O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 32 (265) • 2010 йил 24 август

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан **www.norma.uz** сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

### РЕЖАЛИ МОНИТОРИНГ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 6 августдаги 171-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига** *(2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон)* **ўзгартиришлар киритилди.** Уларга мувофиқ, ички бозорда сотиладиган истеъмол товарларининг зарур сифатда бўлишини ва хавфсизлигини ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш юзасидан мониторинг олиб бориш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органлари билан биргаликда тасдиқланган Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси режалари асосида амалга оширилади.

### ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ – САЙТ ОРҚАЛИ

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 6 августда 858-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисида ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга** *(рўйхат рақами 858, 1999 йил 22 декабрь)* **ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Хусусан, белгиланишича, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бўш ўринлар мавжудлиги тўғрисида иш берувчилардан маълумотларни олганидан сўнг уларни ҳар куни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг расмий сайтига жойлаштириши шарт *(сайт **www.mintrud.uz** домен номида рўйхатдан ўтказилган).* Аввалгидек, ушбу маълумотлар 3 кун давомида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларига бириктирилган инспекторларга, шунингдек иш қидираётган шахсларни рўйхатдан ўтказувчи ва фуқароларни иш билан таъминловчи ходимларга иш билан таъминлаш ва маслаҳат бериш давомида фойдаланиш мақсадида етказилиши керак.

**2010 йил 16 августдан кучга кирди.**

### ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 6 августда 907-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ҳамда кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартибига** *(рўйхат рақами 907, 2000 йил 7 март)* **ўзгартишлар киритилди.** Энди кредит олиш учун қарз олувчилар банкка ўзлари рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ инспекциясининг баланс қабул қилинганлиги тўғрисидаги белги қўйилган сўнгги ҳисобот даври учун бухгалтерия балансини тақдим этишлари керак. Олинган кредитларни бухгалтерия проводкаларида акс эттириш тартибига ҳам ўзгартириш киритилди.

**2010 йил 16 августдан кучга кирди.**

### ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 6 августда 2130-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

**2010 йил 16 августдан кучга кирди.**

### ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Марказий банк бошқарувининг қўшма қарори *(АВ томонидан 2010 йил 11 августда 1658-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан «Иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошириладиган қимматли қоғозлар билан битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга *(рўйхат рақами 1658, 2007 йил 22 февраль)* ўзгартиришлар киритилди. Ҳужжатдаги таърифлар ва бошқа умумий меъёрлар қимматли қоғозлар бозори тўғрисида қонун ҳужжатларидаги сўнгги ўзгартиришларга мувофиқлаштирилди.

**2010 йил 21 августдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 7 августдан 13 августгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 32-сони асосида тайёрланди.***

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ*
*ММ/04-01-32-14/760-СОН*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ*
*13/3-12230-СОН*

*2010 йил 18 августдан.*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси «Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом»* Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 18 августда 2134-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг аввал юборилган ММ/04-01-32-14/605-сон ва 13/3-9029-сон «Ахбороти»** ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланишини маълум қилишади.

***Молия вазири ўринбосари***
***М.МИРЗАЕВ.***

***Давлат солиқ қўмитаси***
***раисининг ўринбосари***
***О.РУСТАМОВ.***

**»Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар тўпламида чоп этилмоқда.*

*** «Чакана савдо корхоналари, микрофирмалар ва хизмат кўрсатиш соҳаси кичик корхоналарига солиқ солиш тартибига киритилаётган қўшимчалар тўғрисида» («СБХ»нинг 2010 йил 24 июндаги 26 (830)-сонида чоп этилган).*

### ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 9 августдаги 274-аф-сонли буйруғига асосан қуйидаги аудиторлик ташкилотлари лицензияларининг амал қилиши 2010 йилнинг 9 августидан тугатилди:

– МЧЖ «ISHONCH-OMAD AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 11 апрелда берилган 00671-сонли лицензия;

– МЧЖ «ZAHRO» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 28 мартда берилган 00188-сонли лицензия.

***Молия вазири ўринбосари***
***М.МИРЗАЕВ.***

Долзарб мавзу

## АУДИТОР ХАБАРЧИ ТАРИҚАСИДА

***Яқинда Ўзбекистон Аудиторлар палатаси Молия вазирлиги ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти билан биргаликда аудиторларнинг тармоқ конференциясини ўтказди. Тадбир иштирокчилари тадбиркорлик субъектларидаги ноқонуний молиявий операцияларни аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигининг турли қирраларини, шу жумладан ички назорат тизимидаги шубҳали операцияларни аниқлаш мезонлари ва тартибини муҳокама этдилар.***

Ўтган йилнинг ноябридан буён аудитор-аутсорсерлар мижозларининг молиявий фаолиятидаги ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай шубҳали ҳолатлар тўғрисида бир иш кунидан кечиктирмай тегишли жойга хабар қилиши шарт бўлиб қолди. Бу аудиторлик фаолиятининг таянч принципларидан бири – махфийлик принципи бундан буён ўрнига қараб ишлатилишини англатадими? Корхона бухгалтериясининг айни қайси муаммолари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади? Аудитор молиявий ва мулкий операциялар шубҳалилигини белгилашда қайси белгиларига таянади? Бундай шароитда (ишларнинг таннархи, мижозлар билан ишончга асосланган муносабатлар) унинг ўзи қай йўсинда ишламоқда?

*Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларида мижознинг шубҳали операциялари ҳақида хабар қилиш аудиторнинг мажбурияти эканлиги айтилган. Бу ҳужжатнинг амал қилиши фақат «бухгалтерия ҳисоби юритиш бўйича профессионал хизматлар кўрсатувчи аудиторлик ташкилотлари»га, яъни аутсорсингга татбиқ этилади. Бироқ бугунги кунда аудиторларнинг ўзи уни қўллаш соҳаси борасида баъзи мубҳамликларни сезмоқдалар. Зотан Қоидаларга жорий йилнинг май ойида киритилган ўзгартишларда корхонада аудит ўтказиш чоғида фойдаланилаётган бир туркум аудиторлик фаолияти стандартларини қўллашда «мижозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларини кўриш» жоизлиги айтилган (31, 12 ва 9-сон АФМС).*

### «АУДИТОР ДЕГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИ ЯШИРИШ ВОСИТАСИ ЭМАС...»



***Ўзбекистон Аудиторлар палатаси раиси Равшан ҲАЙДАРОВ:***

– Аудиторнинг шубҳали операциялар ҳақида хабар қилиши борасидаги мажбурияти бухгалтерия ҳисоби юритиш бўйича хизматлар (аутсорсинг*) кўрсатаётганидагина юзага келади.

Фаолиятимизнинг таянч принциплари – мустақиллик ва махфийлик принциплари бекор қилинмаган. Аудитнинг бирдан-бир ва энг муҳим вазифаси аввалгидек – ҳисоб юритишдаги камчиликларни бартараф этиш-у, корхонага ва унинг мулкдорига профессионал малакали ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиб турибди. Аудитор бухгалтерия ишидаги муаммолар ва хатоликлар, қонун ҳужжатлари билибми-билмайми бузилганлиги ҳолатлари ҳақида аудиторлик текшируви буюртмачиси – корхона мулкдорига, иштирокчиларга ёки акциядорларга хабар қилиши шарт. Бошқа ҳеч кимга билдирмаслиги керак!

Бироқ ўтган йилнинг ноябрида Молия вазирлиги ва Бош прокуратура

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-бет Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ
1-2-бетлар Аудитор барча маълумотлардан хабардор
3-6-бетлар Янги қонун ҳужжатлари
7-8-бетлар Эълонлар

$1 = 1611,30 сўм € 1 = 2102,45 сўм £1 = 2511,21 сўм ¥10 = 187,75 сўм

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ**

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

● **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2010 ЙИЛ 24 ИЮЛДАН 30 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,*
*ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ КИРИТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2134.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар**:

1. Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2010 йил 28 августдан кучга киради.***

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*64-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2010-34-сон*

*Тошкент ш., 2010 йил 17 август.*

*ЎзР МВ ва ДСҚнинг*
*2010 йил 17 августдаги 64, 2010-34-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ КИРИТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда) мувофиқ ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини (кейинги ўринларда ЯСТ деб юритилади) қонун ҳужжатларига мувофиқ, лекин миқдори юқорида санаб ўтилган тоифадаги тўловчилар учун ЯСТнинг базавий миқдори сифатида аниқланадиган, айнан шундай фаолият турини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар.

2. Ушбу Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

чакана савдо корхоналари – ҳисобот даври якунлари бўйича асосий фаолият тури чакана савдо бўлган юридик шахслар;

хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик

корхоналар — ҳисобот даври якунлари бўйича асосий фаолият тури хизмат кўрсатиш бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар.

Фаолиятни хизмат кўрсатишга тегишлилигини аниқлаш учун «Ўзстандарт» агентлигининг 2006 йил 12 майдаги 05-15-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизмат кўрсатиш классификатори» умумдавлат классификаторидан фойдаланиш лозим.

3. Ушбу Низом қуйидаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлмаганларга;

фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат юридик шахс шаклида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига;

фақат юридик шахсларга лицензия бериладиган лицензияланадиган фаолият тури билан шуғулланадиганларга;

ЯСТни тўлашдан озод бўлиш имтиёзига эга бўлганларга.

## II. ЯСТнинг БАЗАВИЙ МИҚДОРИ КИРИТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЯСТНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4. ЯСТнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммасини аниқлаш учун тўловчилар қуйидагиларни ҳисоблаб чиқарадилар:

ЯСТнинг базавий миқдорини;

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммасини;

ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммасини.

5. ЯСТ базавий миқдори солиқ тўловчининг асосий фаолият туридан келиб чиқиб аниқланган якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган ставка бўйича қатъий белгиланган солиқ суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Масалан, агар солиқ тўловчининг асосий фаолият тури чакана савдо бўлса, унда ЯСТнинг базавий миқдори чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб аниқланади.

ЯСТ базавий миқдорининг суммаси ҳисобот даври учун қатъий белгиланган солиқ суммаларини қўшиш орқали ўсиб борувчи якун билан ҳисобга олинади.

ЯСТ базавий миқдорининг ўсиб борувчи якуни йил давомида ЯСТнинг базавий миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни тўлашга ўтган солиқ тўловчиларда ўтган ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ЯСТ суммасига тенг миқдорда қабул қилинади.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ЯСТнинг базавий миқдорини ҳисобланган ЯСТ суммаси билан солиштириш учун ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси бутун корхона бўйича аниқланади.

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

ҲСяст = СЯТ х С, бунда:

ҲСяст — ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси;

СЯТ — ЯСТ бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар қўлланилмаган солиқ солинадиган ялпи тушум (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги 111, 2007-66-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1760, 2008 йил 21 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 3-4-сон, 15-модда) билан тасдиқланган ЯСТ ҳисоб-китобининг «040»-сатри маълумотлари асосида);

С — ЯСТнинг ўрнатилган ставкаси.

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси бутун корхона бўйича ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклдаги Маълумотнома-ҳисоб-китоб (кейинги ўринларда Маълумотнома-ҳисоб-китоб деб юритилади) асосида аниқланади.

7. ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг базавий миқдори суммасидан кам бўлган ҳолларда ЯСТ қўшимча ҳисобланади. Бунда ЯСТ базавий миқдори суммасининг ЯСТ ҳисоб-китоб суммасидан ортган қисми ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ЯСТ суммасига қўшимча ҳисобланади.

Агар ЯСТ ҳисоб-китоб суммаси ЯСТ базавий миқдоридан катта ёки унга тенг бўлса, унда ЯСТ қўшимча ҳисобланмайди ва ЯСТ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон) белгиланган тартибда тўланиши лозим, яъни ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган сумма тўланади.

Масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилувчи чакана савдо корхонаси 2010 йилнинг июль ойига ЯСТни 4% ставка бўйича ҳисоблаётган бўлсин. Мазкур корхона солиқ имтиёзларига эга эмас. Ушбу ҳолатда ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ва ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисоблаб чиқарилган ЯСТ суммаси бир-бирига тенг бўлади. Агар ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг базавий миқдоридан кам бўлса, Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткич энг кам иш ҳақининг (кейинги ўринларда ЭКИҲ деб юритилади) 10 баравари миқдорини ташкил этса, у ҳолда ЯСТ ҳисобот даври учун ЭКИҲнинг 10 баравари миқдорида тўланади. Агар ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ЯСТнинг базавий миқдоридан (ЭКИҲнинг 10 баравари) кўп бўлса, у ҳолда ЯСТ ўрнатилган 4% ставка бўйича тўланади.

8. Агар ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган корхоналар ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган юридик шахс бўлмаган бўлинмаларга, чакана савдода эса — турғун савдо шохобчаларга эга бўлса, ЯСТнинг базавий миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТ ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган ҳар бир бўлинма (турғун савдо шохобчаси) учун тўланади. Бунда ЯСТнинг базавий миқдори ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган бўлинма (турғун савдо шохобчаси) жойлашган жойдаги якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган қатъий белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Корхоналар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ ҳисоботлари тақдим этиладиган муддатларда ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакл бўйича Ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган бўлинма (турғун савдо шохобчаси) тўғрисидаги маълумотни тақдим этадилар.

Агар аввал тақдим этилган маълумотлар ўзгарадиган бўлса, корхона ўзгариш юз берган ойдан кейинги ойнинг 10 кунидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини хабардор этади.

Масалан, Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилувчи савдо корхонаси юридик шахс бўлмаган иккита турғун савдо шохобчасига эга. Савдо шохобчаларидан бири Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудудда худди шундай фаолият тури билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ойига ЭКИҲнинг 10 баравари миқдорида белгиланган, иккинчиси эса Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳрида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудудда қатъий белгиланган солиқ ставкаси ойига ЭКИҲнинг 3 баравари миқдорида белгиланган. Шундай қилиб, 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхонаси ЯСТни ушбу савдо шохобчалари жойлашган жой бўйича белгиланган ставкалар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, бироқ Тошкент шаҳрида жойлашган савдо шохобчаси бўйича ҳисобот даври учун ЭКИҲнинг 10 бараваридан ва Ғазалкент шаҳрида жойлашган савдо шохобчаси бўйича эса — ЭКИҲнинг 3 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди.

9. Бир нечта фаолият турини амалга оширувчи корхоналар учун ушбу Низом билан белгиланган тартиб, агар ушбу фаолият тури қонун ҳужжатларига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлса ва унга, тегишинча, қатъий белгиланган солиқ став-

каси белгиланган бўлса, фақат асосий фаолият турига татбиқ этилади.

**1-мисол.** Кичик корхона қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

умумий овқатланиш соҳасидаги хизматлар;

ноозиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси.

Умумий овқатланиш соҳасидаги хизмат кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 80%ини ташкил этади. Ноозиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдосидан тушган тушумнинг улуши эса – 20%.

Корхона учун асосий фаолият тури қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат юридик шахслар шуғулланиши мумкин бўлган умумий овқатланиш соҳасида хизматлар кўрсатиш эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу Низом билан белгиланган тартиб ушбу корхонага татбиқ этилмайди.

**2-мисол.** Тошкент шаҳрида жойлашган кичик корхона қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси;

автомобиль транспортида юклар ташиш бўйича хизматлар;

воситачилик хизматлари.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдосидан тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 60%ини ташкил этади. Автомобиль транспортида юклар ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг – 30%ини, воситачилик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши эса – 10%ини ташкил этади.

Ушбу корхона учун озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси асосий фаолият туридир. Ушбу фаолият тури якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин ва у бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилган. Шундай қилиб, ушбу корхона ЯСТни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, бироқ озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси соҳасида фаолият амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ суммасига тенг бўлган ЯСТнинг базавий миқдоридан кам бўлмаган суммада тўлайди.

**3-мисол.** Тошкент шаҳрида жойлашган кичик корхона – сартарошхона мажмувий хизматларни кўрсатади: сартарошлик хизмати, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари. Ушбу хизмат турларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси Тошкент шаҳри учун ойига ЭКИҲнинг 6,5 баравари миқдорида белгиланган.

Ушбу ҳолатда, бутун корхона бўйича тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммаси, ЯСТнинг базавий миқдоридан – ойига ЭКИҲнинг 6,5 бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

**4-мисол.** Кичик корхона қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

юк ташиш бўйича хизматлар;

ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган таркибий тузилма томонидан амалга ошириладиган ноозиқ-овқат маҳсулотларининг – автомобиль эҳтиёт қисмларининг чакана савдоси.

Юк ташиш хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 60%ини ташкил этади. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдосидан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 40%ини ташкил этади.

Ушбу корхона учун юк ташиш хизматлари асосий фаолият туридир. Ушбу фаолият тури якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин ва у бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилган. Ушбу ҳолатда, бутун корхона бўйича тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммаси, юклар ташишни амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор учун белгиланган қатъий белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаслиги лозим. Бунда, ушбу корхона учун ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси асосий фаолият тури эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, ЯСТнинг базавий миқдори ноозиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси қисми бўйича татбиқ этилмайди.

Агар корхона ташишни қатъий белгиланган солиқ ставкалари транспорт воситаларининг юк кўтариш қувватларига қараб табақалашган ҳар хил юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари орқали амалга оширса, ЯСТнинг базавий миқдори ҳар хил юк кўтариш қувватига эга автомобиллардан фойдаланишдан олинган реализация қилишдан тушган тушумни ҳисобга олган ҳолда аниқланадиган қатъий белгиланган солиқнинг ўртача аниқланган ставкалари асосида ҳисобланади.

Масалан, кичик корхона ҳисобот даврида қуйидаги юк кўтариш қувватига эга автомобиллардан фойдаланишдан қуйидагича тушум олган:

2,5 тонналик – 106 722 минг сўм (қатъий белгиланган солиқ ставкаси – ЭКИҲнинг 5,5 баравари);

12 тонналик – 11 106 минг сўм (қатъий белгиланган солиқ ставкаси – ЭКИҲнинг 13 баравари).

Ўртача аниқланган ставка қуйидаги тартибда ҳисобланади:

106 722 x 5,5 + 11 106 x 13 = 731 349 минг сўм.

731 349 / (106 722 + 11 106) = ЭКИҲнинг 6,2 баравари

Шундай қилиб, ЯСТнинг базавий миқдорини аниқлаш учун ЭКИҲнинг 6,2 баравари миқдоридаги қатъий белгиланган солиқ ставкасидан фойдаланилиши лозим.

10. ЯСТнинг базавий миқдори юритилган фаолият тури тўхтатилган тақдирда, юридик шахс солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган шакл бўйича ёзма хабарнома тақдим этади.

Юридик шахс хабарнома тақдим этилган ойнинг кейинги ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда ЯСТ тўлайди.

11. Агар корхона ҳисобот даврида ЯСТнинг базавий миқдори юритилган фаолият турини тўхтатса ва ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган хабарномани тақдим этмаган тақдирда, мазкур корхона ЯСТни ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ЯСТнинг базавий миқдорини ҳисобга олган ҳолда тўлайди.

## III. ЯСТнинг БАЗАВИЙ МИҚДОРИНИ СОЛИҚ ҲИСОБОТЛАРИДА АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ

12. Ушбу Низом татбиқ этиладиган солиқ тўловчилар ЯСТ ҳисоб-китоби билан бирга ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган Маълумотнома-ҳисоб-китобни ва ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда ЯСТнинг базавий миқдори ҳисоб-китобини тақдим этадилар.

ЯСТ ҳисоб-китобига тақдим этилган Маълумотнома-ҳисоб-китобдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги сатрлар киритилади:

«170» – қўшимча ҳисобланган ЯСТ. Ушбу сумма Маълумотнома-ҳисоб-китобнинг «050»-сатридан ўтказилади;

«180» – ҳисобот даври учун тўланиши лозим. «180»-сатрда ЯСТ ҳисоб-китобининг «130», «150» ва «170»-сатрлари суммаси, «140»-сатри суммаси чегирилган ҳолда кўрсатилади.

13. ЯСТнинг базавий миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни ҳисоб-китоб қилишга доир шартли мисоллар ушбу Низомнинг 5-иловасида келтирилган.

## IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14. Солиқ тўловчилар ушбу Низомнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни ҳисоблаб чиқаришнинг тўғрилигига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уни ўз вақтида тўлашга жавобгардирлар.

15. Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ЯСТнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назоратни амалга оширадилар.

16. Ушбу Низомда назарда тутилган ЯСТни ҳисоблаб чиқаришнинг тартиби бузилган ҳолатлар аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари ЯСТнинг базавий миқдоридан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ пеня ҳисоблаган ҳолда, ЯСТни қўшимча ҳисоблайдилар.

*Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*1-ИЛОВА*

## ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБИ

| *Кўрсаткичлар* | *Сатр коди* | *Жами* | *Шу жумладан, ягона солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган фаолият турлари бўйича* | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | *асосий фаолият тури-1* | *2* | *3* | *4* | *5* |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| Ҳисобот давридаги солиқ солинадиган ялпи тушум (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг 040-сатри) | 010 | | | | | | |
| Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси | 020 | | | | | | |
| Ҳисобот даври учун ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб суммаси (010-сатр x 020-сатр / 100) | 030 | | | | | | |
| Ҳисобот даври учун ягона солиқ тўловининг базавий миқдори | 040 | | | x | x | x | x |
| Ягона солиқ тўловининг базавий миқдорини ҳисобга олган ҳолда бюджетга қўшимча ҳисобланган сумма (040-сатр – 030-сатр) | 050* | | x | x | x | x | x |

**Агар 3-устуннинг «30»-сатрида қайд этилган қиймат 3-устуннинг «040»-сатрида қайд этилган қийматдан катта ёки унга тенг бўлса, у ҳолда «050»-сатрда «0» қиймати қўйилади.*

*«050»-сатр қиймати Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг «170»-сатрига кўчирилиб ўтказилади.*

*Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

## ҲУДУДИЙ ЖИҲАТДАН АЛОҲИДА БЎЛГАН БЎЛИНМАЛАР (ТУРҒУН САВДО ШОХОБЧАЛАРИ) ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| *Тартиб рақами* | *Ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган бўлинманинг (турғун савдо шохобчасининг) номи* | *Ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган бўлинма (турғун савдо шохобчаси) жойлашган жойи* |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

_______________________________________________ га тақдим этилади
*(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)*

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

1. Юридик шахснинг тўлиқ номи ________________________________

2. Манзили ________________________________

3. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ☐☐☐☐☐☐☐

4. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил) |_|_| |_|_| |_|_|_|_|

5. СТИР |_|_|_|_|_|_|_|_|_|

6. ХХТУТ |_|_|_|_|_|

7. Телефон: код |_|_|_|_|_| рақам |_|_|_|_|_|_|_|

| *Кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:* | *Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади* |
|---|---|
| Раҳбар<br>СТИР |_|_|_|_|_|_|_|_|_|<br>Ф.И.Ш. ____________<br>Имзо ____________<br><br>Бош бухгалтер<br>СТИР |_|_|_|_|_|_|_|_|_|<br>Ф.И.Ш. ____________<br>Имзо ____________<br><br>Сана (кун/ой/йил) |_|_| |_|_| |_|_|_|_| | Ушбу маълумотлар<br>(кераклигига "V" белгиси қўйилсин)<br>☐ қоғозда ☐ электрон кўринишда<br>☐ шахсан ☐ почта ☐ электрон почта орқали<br>|_|_|_| варақда тақдим этилди<br>Тақдим этилган сана |_|_| |_|_| |_|_|_|_|<br>(кун/ой/йил)<br>Ф.И.Ш. ____________<br>Имзо |

М.Ў.

***Изоҳ.*** *Ушбу маълумотлар икки нусхада рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. Давлат солиқ хизмати органи маълумотларни олингани тўғрисида белги қўяди ва маълумотларнинг бир нусхасини кейинги кундан кечиктирмай ариза берувчига қайтаради.*

*Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*3-ИЛОВА*

## ФАОЛИЯТ ТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

Ягона солиқ тўловини тўлащни назарда тутувчи соддалаштирилган солиқ солиш тизимини қўлловчи ______________________________ юридик шахс
*(юридик шахснинг тўлиқ номи)*

______________________________ манзилда жойлашган,
*(почта индекси, шаҳар (туман, қишлоқ)*

______________________________,
*кўчанинг номи ва уй (хонадон)нинг рақами*

______________________________ амалга оширади
*(асосий фаолият (ихтисослиги) тури)*

шу ҳақда хабардор қиладики, ______________________________ бошлаб
*(сана)*

______________________________ фаолиятини тўхтатади.
*(фаолият тури)*

______________________________ га тақдим этилади
*(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)*

### СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома |_|_|_|_|_|_|_|

2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил) |_|_| |_|_| |_|_|_|_|

3. СТИР |_|_|_|_|_|_|_|_|

4. ХХТУТ |_|_|_|_|_|

5. Телефон: код |_|_|_|_|_| рақам |_|_|_|_|_|_|_|

| *Ушбу Хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:* | *Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади* |
|---|---|
| Раҳбар<br>СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐<br>Ф.И.Ш. ________<br>Имзо ________<br>Бош бухгалтер<br>СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐<br>Ф.И.Ш. ________<br>Имзо ________<br>Сана (кун/ой/йил) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐ | Ушбу маълумотлар<br>(кераклигига "V" белгиси қўйилсин)<br>☐ қоғозда ☐ электрон кўринишда<br>☐ шахсан ☐ почта ☐ электрон почта орқали<br>☐☐☐ варақда тақдим этилди<br>Тақдим этилган сана ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐<br>(кун/ой/йил)<br>Ф.И.Ш. ________<br>Имзо |

**М.Ў.**

***Изоҳ.*** *Мазкур хабарнома икки нусхада рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. Давлат солиқ хизмати органи хабарнома олингани тўғрисида белги қўяди ва хабарноманинг бир нусхасини кейинги кундан кечиктирмай ариза берувчига қайтаради.*

*Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*4-ИЛОВА*

## ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ ҲИСОБ-КИТОБИ

| *Давр* | *Сатр коди* | *Солиқ тўловчининг асосий фаолияти тури бўйича якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўланаётган қатъий белгиланган солиқ ставкаси* | *Энг кам иш ҳақининг белгиланган миқдори* | *Сумма (3-уст. х 4-уст.)* |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| Январь | 0101 | | | |
| Февраль | 0102 | | | |
| Март | 0103 | | | |
| Апрель | 0104 | | | |
| Май | 0105 | | | |
| Июнь | 0106 | | | |
| Июль | 0107 | | | |
| Август | 0108 | | | |
| Сентябрь | 0109 | | | |
| Октябрь | 0110 | | | |
| Ноябрь | 0111 | | | |
| Декабрь | 0112 | | | |
| Ҳисобот даври учун ЯСТнинг базавий миқдори (0101-сатр + 0102- сатр + …+ 0112-сатр) | 020* | Х | Х | |

**Мазкур сатр бўйича сумма Ягона солиқ тўловининг базавий миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўлови маълумотнома ҳисоб-китоби 4-устунининг «040»- сатрига кўчирилиб ўтказилади.*

***Изоҳ.*** *Йил давомида ягона солиқ тўловининг базавий миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлашга ўтган солиқ тўловчиларда ўтган даврлар учун ЯСТнинг базавий миқдори ўтган ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисобланган ЯСТ суммасига тенг деб қабул қилинади (ЯСТ ҳисоб-китобининг «140»-сатри).*

*Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*5-ИЛОВА*

## ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШГА ДОИР ШАРТЛИ МИСОЛЛАР

**1-мисол.**

Тошкент шаҳрида жойлашган кичик корхона қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:
ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси;
автомобиль транспортида юк ташиш хизмати.

Ўтган ҳисобот даври (январь–июнь) учун ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича 5 376 минг сўм ЯСТ (ЯСТ ҳисоб-китобининг «140»-сатри) ҳисобланган.

Мазкур корхонада 2010 йилнинг январь–сентябрь ойлари учун қуйидаги кўрсаткичлар мавжуд:

*(минг сўм)*

| *Фаолият турлари* | *Солиқ солинадиган ялпи тушум (ЯСТ ҳисоб-китобининг «140»-сатри)* | *Ягона солиқ тўлови* | |
|---|---|---|---|
| | | *Ставка* | *Сумма (ЯСТ ҳисоб-китобининг «120»-сатри)* |
| Ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси | 107 372,0 | 4% | 4 294,9 |
| Автомобиль транспортида юк ташиш хизмати | 32 096,0 | 7% | 2 246,7 |
| **Жами** | **139 468,0** | — | **6 541,6** |

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдосидан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 77%ини ташкил этади. Автомобиль транспортида юк ташиш хизмати кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 23%ини ташкил этади.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдосини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси Тошкент шаҳрида ойига ЭКИҲнинг 10 баравари миқдорида белгиланган.

ЭКИҲнинг белгиланган миқдори:

*(сўм)*

| *Ой* | *Сумма* |
|---|---|
| Июль | 37 680 |
| Август | 45 215 |
| Сентябрь | 45 215 |

Ҳисобот даври учун (январь–сентябрь) ЯСТнинг базавий миқдори тенг (=) 5376 + 1281,1[1] = 6657,1 минг сўм.

Белгиланган формулага асосан бутун корхона бўйича ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси қуйидагига тенг:

(ҲСяст) = (107 372,0 x 0,04) + (32 096,0 x 0,07) = 6 541,6 минг сўм.

Қўшимча ҳисобланган ЯСТ суммаси = 6 657,1 − 6 541,6 = 115,5 минг сўм.

Шундай қилиб, корхона бўйича ЯСТнинг базавий миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни тўланиши лозим бўлган суммаси 6 657,1 минг сўмга (6 541,6 + 115,5) тенг бўлади.

**2-мисол.**

Тошкент шаҳрида жойлашган кичик корхона қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:
озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси;
умумий овқатланиш соҳасидаги хизматлар;
автомобиль транспортида юклар ташиш бўйича хизматлар.

Ўтган ҳисобот даври (январь–июнь) учун ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича 7 954,8 минг сўм (ЯСТ ҳисоб-китобининг «140»-сатри) ЯСТ ҳисобланган.

2010 йилнинг январь–сентябрь ойлари учун ушбу корхона кўрсаткичлари қуйидагича:

*(минг сўм)*

| *Фаолият турлари* | *Солиқ солинадиган ялпи тушум (ЯСТ ҳисоб-китобининг «140»-сатри)* | *Ягона солиқ тўлови* | |
|---|---|---|---|
| | | *Ставка* | *Сумма (ЯСТ ҳисоб-китобининг «120»-сатри)* |
| Озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси | 144 868,1 | 4% | 5 794,7 |
| Умумий овқатланиш соҳасидаги хизматлар | 24 771,5 | 10% | 2 477,2 |
| Автомобиль транспортида юклар ташиш бўйича хизматлар | 18 040,2 | 7% | 1 262,7 |
| **Жами:** | **187 679,8** | — | **9 534,7** |

Озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдосидан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 77,2%ини ташкил этади. Умумий овқатланиш соҳасидаги хизматлар кўрсатишдан тушган тушумнинг улуши умумий реализация ҳажмининг 13,2%ини, юклар ташиш бўйича хизматлар эса − 9,6%ини ташкил этади.

---

[1]*Қуйидаги формула бўйича ҳисобланган: ((37 680 + 45 215 + 45 215) x 10)/1 000).*

Тошкент шаҳрида озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ЭКИҲнинг 9 баравари миқдорида белгиланган.

ЭКИҲнинг белгиланган миқдорлари:

*(сўм)*

| *Ой* | *Сумма* |
|---|---|
| Июль | 37 680 |
| Август | 45 215 |
| Сентябрь | 45 215 |

2010 йилнинг январь–сентябрь ойи учун ЯСТнинг базавий миқдори = 7 954,8 + 1 153,0[2] = 9 107,8 минг сўм.

Белгиланган формулага мувофиқ бутун корхона бўйича ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси қуйидагига тенг:

(ҲСяст) = (144 868,1 х 0,04) + (24 771,5 х 0,1) + (18 040,2 х 0,07) = 9 534,7 минг сўм.

ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси (9 534,7 минг сўм) ЯСТнинг базавий миқдоридан (9 107,8 минг сўм) катта бўлгани учун ЯСТ қўшимча ҳисобланмайди.

---

[2]*Қуйидаги формула бўйича ҳисобланган: ((37 680 + 45 215 + 45 215) х 9)/1 000).*

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2010 ЙИЛ 24 ИЮЛДАН 30 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

## I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 24 июндаги 69-сонли буйруғи.*

***2010 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-5 (2010 йил 5 августдан кучга киради).***

2. «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиладиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2010 йил 28 июндаги 51, 4-сонли қарори.*

***2010 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2124 (2010 йил 5 августдан кучга киради).***

3. «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 23 июндаги 4-сонли қарори.*

***2010 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125 (2010 йил 5 августдан кучга киради).***

4. «Ички бозорда сотилаётган «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларга акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 14 июлдаги 59, 2010-29-сонли қарори.*

***2010 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2126 (2010 йил 6 августдан кучга киради).***

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

Монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низом, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1369, 2004 йил 14 июнь), (рўйхат рақами 1369-1, 2007 йил 19 май).*

***Адлия вазирининг 2010 йил 26 июлдаги 156-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

# ТЭР top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 32 (265) 2010 йил 24 август

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги ВК туридаги, Вихрли

дренаж учун ГНОМ туридаги ЦМК туридаги фекаль

К туридаги, Консоль "Андижанец" насоси

"КАСКАД" ҚЎЗ

189-10

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

TÜV CERT

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ

Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

POLIGRAF MEDIA

ЭЪТИБОРГА МОЛИК СИФАТ

- БЛАНКАЛАР
- БАНДЕРОЛЛАР
- ТЕЗТИККИЧЛАР
- БУХГАЛТЕРИЯ ВА КАНЦЕЛЯРИЯ КИТОБЛАРИ

Хизматлар лицензияланган

Тел.: 150-0090, 905-0090

H9403 068-10

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 6 августдаги 10-1019/12953-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги "CHIGO TRADE" МЧЖни банкрот деб топиш бўйича иш очилган. Мазкур корхона бўйича кредиторларнинг 1-йиғилиши 2010 йил 26 август куни соат 10.00 да Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уйда ўтказилади. Муваққат бошқарувчи этиб М.Сармонова тайинланган. Корхона юзасидан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй манзилига билдирилиши мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

## РЎЙХАТЛАР

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 17 августдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган санаси ва рақами | | Юридик манзили | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| "JASUR TEKSTIL" ХК | 301353335 | 22.10.09 | 003204-01 | Боситхон 4-тор кўч., 9 | 10-1007/12808-т |
| "OPEKS CHEMPION" НШК | 301227980 | 17.06.09 | 002979-01 | М.Уйғур кўч., 590а | 10-1007/12809-т |
| "SAODAT TRANS" МЧЖ | 300513548 | 17.07.07 | 001699-01 | Кўркам кўч., 18 | 10-1007/12810-т |

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамғаси ва думалоқ муҳри ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Корхоналарнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қаватидаги 4-хонада қабул қилинади.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 16 августдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган санаси ва рақами | | Юридик манзили | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| "STORESELL" ХК | 300864261 | 13.06.08 | 002225-01 | Чилонзор 31-13-5 | 10-1008/12779(21) |
| "FORSUN-SERVIS" МЧЖ | 205131169 | 09.02.07 | 000287-01 | Али Қушчи 1-тор кўч., 9 | 10-1008/12780(21) |
| "SHOKI PLUS" МЧЖ | 301267054 | 20.07.09 | 003031-01 | Чилонзор 30-8-47 | 10-1008/12773(21) |
| "SOKINA SHAMS" МЧЖ | 301173314 | 05.05.09 | 002870-01 | Фарҳод кўч., Фарҳод деҳқон бозори кириш қисмидаги 1-павильон | 10-1008/12777(21) |
| "ALLURE STAR" МЧЖ | 300833008 | 13.05.08 | 002165-01 | Байроқ 1-тор кўч., 58 | 10-1008/12774(21) |
| "PALI" КТНК ШК | 203151525 | 23.02.2000 | Қ N230 | Чилонзор 22, 10 | 10-1008/12775(21) |
| "MUSLIMA BEGOYIM" ХК | 206667118 | 21.06.06 | 001090-01 | Чилонзор 25-2-5 | 10-1008/12772(21) |
| "ILISAL GROUP" МЧЖ | 301281078 | 03.08.09 | 003068-01 | Чилонзор 14-20-35 | 10-1008/12776(21) |
| "ILXOM STAR TRADE" МЧЖ | 301096434 | 11.03.09 | 002750-01 | Тўрақулов 2-тор кўч., 4 | 10-1008/12778(21) |

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчакли тамғаси ва думалоқ муҳри ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Корхоналарнинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қаватидаги 4-хонада қабул қилинади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 6 августдаги 10-1013/12903-сонли ажримига асосан Миробод туманидаги "VEGA ONIIN NET" МЧЖ (СТИР 301092783; рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами: 12.06.09 – 003735-03; ОКПО: 22643201) ҳамда 10-1013/12904-сонли ажримига асосан "TALAMUZ-TRADING" МЧЖ (СТИР 206987692; рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами: 19.01.09 – 003633-03; ОКПО: 22646300) банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Муваққат бошқарувчи этиб О.Алтиев ва Д.Солиев тайинланган. Мазкур корхоналар кредиторларининг йиғилиши 2010 йил 25 август соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, Миробод туман ДСИ биноси, 607-хона. Банкротлик иши 2010 йил 25 август соат 15.05 да Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 6-сонли суд залида (судья Г.М.Таирова томонидан) кўрилади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 22 июндаги 10-005/9509(21)-т-сонли ҳал қилув қарорига асосан Собир Раҳимов туман ДСИдан рўйхатдан ўтган "One centre Trading" ҚК (СТИР 203342263) тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, думалоқ муҳр ва бурчак штампи ҳамда архивга топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй. Тел. 248-68-10.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 18 августдаги 10-1014/12684-сонли ҳал қилув қарорига асосан Собир Раҳимов туманидаги "Pamir Aqva Servis" МЧЖ соддалаштирилган таомилда банкрот деб топилиб, тугатиш жараёни бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими Х.Ҳаётов тайинланган. Мазкур корхонанинг думалоқ муҳр ва учбурчакли штамплари бекор қилинади. Ушбу корхонага алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой муддат ичида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 401-хонага билдиришлари мумкин.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 4 августдаги 10-1015/13062-сонли ажримига асосан Яккасарой туманидаги "MAF PETROLEUM" ШК (юридик манзили: Муқимий кўчаси, 1-уй) ҳамда 10-1015/13063-сонли ажримига асосан "Махсус Қурилиш" Ассоциацияси (юридик манзили: А.Қаҳҳор кўчаси, 32-уй) бўйича банкротлик кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 23 август куни соат 10.00 да Яккасарой туман ДСИ биносида қуйидаги манзил бўйича ўтказилиши белгиланган: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, 3-қават, 310-хона. Тел. 250-70-87. Ушбу корхоналарнинг банкротлик иши бўйича суд мажлиси муҳокамаси 2010 йил 24 август соат 16.00 да Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида бўлиб ўтади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 17 августдаги 10-1017/12360(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Учтепа туманидаги "Original meat business" MCHJ ҳамда 10-1007/13030-сонли ҳал қилув қарорига асосан "SURAYO-SUHROB" MCHJ банкрот деб топилган. Тугатув бошқарувчилари этиб А.Бобожонов ва Б.Бобомуродов тайинланган. Ушбу корхоналарга тегишли думалоқ муҳрлар ва учбурчакли тамғалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинган. Даъволар 45 кун мобайнида Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1а-уй, 309-хонада қабул қилинади. Тел. 275-95-10.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 9 августдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги банкротлик иши қўзғатилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "Avtojamlanma salar" ШК | 10-1008/11772 |
| "Sadikov" МЧЖ | 10-1008/11773 |
| "Image art medium" МЧЖ | 10-1008/11729 |
| "Dizayn stile biznes" МЧЖ | 10-1008/11730 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 15-хонада қабул қилинади. 1 ой мобайнида даъво билан Юнусобод туман ДСИга мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел. 235-87-26.

